

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**ЁҚИЛҒИ ЁНИШИНИНГ ЗАМОНАВИЙ
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

ЭНЕРГЕТИКА

ТОШКЕНТ-2021

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7-декабрдаги 648 сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: т.ф.н., доцент К.С.Шамсиев

Тақризчи: Д. Н. Мухиддинов - ТДТУ, Энергетика факультети, профессори, т.ф.д

Ўқув -услубий мажмуа Тошкент давлат техника университети Кенгашининг 2020 йил 18 декабрдаги 4 сонли қарори билан фойдаланишга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	11
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	15
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	43
V. ГЛОССАРИЙ	60
VI. ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР	65

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илфор хорижий тажрибалар, иссиқлик электр станцияларида ёқилғи тежамкорлигини ошириш имкониятлари, ёқилғиларни босқичма – босқич ёқиш усуллари, иссиқлик электр станцияларидаги буғ қозонларида ёқилгини ёқиш ва иссиқлик электр станцияларида органик ёқилғиларни ёқиш жараёнида атроф муҳит муҳофазаси. бўйича билим ва кўникмаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш малакаларини акомиллаштиришни мақсад қиласди.

I. МОДУЛНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Модулнинг мақсади: педагог кадрларининг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган қасбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг қасбий

компетентлиги ва педагогик маҳоратини ривожланишини таъминлашдан иборат.

Модулнинг вазифаси: замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг қасбий компетентлик даражасини ошириш, ўқув, ўқув-услубий жараёнларни ташкил этишга креатив ёндашувларни шакллантириш, шунингдек педагогик маҳоратларини такомиллаштиришга қаратилган.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Ёқилғи ёнишининг замонавий технологияси” модулни ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- фаннинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги;
- мутахассиснинг амалий фаолиятида фаннинг роли;
- билимларнинг бир бутун тизими билан ўзаро боғлиқликда ушбу фаннинг асосий муаммолари;
- ўзининг бўлажак касбининг моҳияти ва ижтимоий аҳамияти;
- ёқилғи-энергия мажмуасини ривожи тенденциялари **ҳақида масавуррга эга бўлиши;**

- ёқилғи қазиб олиш, ишлаб чиқариш ва ишлатиш соҳасидаги республикамиздаги ижтимоий-иктисодий ислоҳатлар натижалари, худудий муаммолари, фан, техника ва технология ютуқлари;

- ёқилғи-энергия мажмуасидаги техника ва технологияларни такомиллаштиришнинг асосий методлари;

- ёқилғини ёниш назарияси асослари ва турли ёқилғиларни самарали ёқишининг умумий принциплари ҳақида техник ва маълумотлар адабиётини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

- иссиклиқ техникасининг назарий асосларини;
- органик кимё асосларини;
- энергетик қурилмаларни турлари ва уларни ишлаш принципларини;

- энергия истеъмол қилувчи қурилмаларни фойдали иш коэффициентларини аниқлаш;
- оксидланиш, тикланиш, экзотермик ва эндотермик реакцияларни ҳисоблаш ва энергетик қурилмаларни иссиқлик балансини тузалиши ҳисобкитоб билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда **кўникмаларига эга бўлиши;**
- ёқилғи ёкиш жараёнлари ва технологияларида энергия тежамкор қурилмаларни лойиҳалаш ва танлаш кўникмасини янги методларини ишлаб чиқиш **малакаларига эга бўлиши керак**

Модулнинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Ушбу модули “Ёқилғи ёнишининг замонавий технологияси” ўқув режадаги “Буғ ва газ қурилмаларининг тараққиёти асослари”, “Саноат корхоналарида иссиқлик энергетик қурилмаларни модернизациялаш ва қайта қуриш” ва “Энергия ишлаб чиқариш технологияси ва марказларининг истиқболлари” модуллари билан узвий боғланган.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Ёқилғи ёнишининг замонавий технологияси” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурӯхли фикрлаш, кичик гурӯхлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Ўзбекистон Республикасининг энергетика тизимини замонавий юқори даражадаги самарадорликка эга бўлган жиҳозлар ва қурилмалар ҳисобига ривожлантириш, энергия ресурсларидан фойдаланиш, электр энергиясини

ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш, ўзгартириш ва истеъмол қилишда юқори самарадорликка эришиш ўта долзарб масала ҳисобланади. Ушбу муаммони ҳал этишда биринчи навбатдаги вазифа замонавий талабларга жавоб берувчи мутахассисларни тайёрлаш ҳисобланади.

Модул бирликлари бўйича соатлар тақсимоти: 20 соат

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўкув юкламаси, соат				
		Жами	Назарий	Амалий	Машғулот	Кўчма
1	Иссиқлик электр станцияларида ёқилғи тежамкорлигини ошириш имкониятлари.	8	2	2	4	
2	Ёқилғиларни босқичма – босқич ёкиш усуллари.	4	2	2		
3	Иссиқлик электр станцияларидаги буф қозонларида ёқилгини ёкиш.	4	2	2		
4	Иссиқлик электр станцияларида органик ёқилғиларни ёкиш жараёнида атроф мухит муҳофазаси.	4	2	2		
	Жами:	20	8	8	4	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Иссиқлик электр станцияларида(ИЭС) ёқилғи тежамкорлигини ошириш имкониятлари

Ёқилғи ёниш жараёнларининг асосий кўрсаткичлари. Оксидловчи модданинг назарий сарфи ва ёниш маҳсулотларининг миқдори. Ёниш ҳарорати. Тўла ва чала ёниш тенгламалари. Ҳавонинг ортиқча коэффициентини аниқлаш усуллари. Қуйи ва юқори ёниш иссиқликлари ва унинг аниқлаш. Шартли ёқилғи ва ёқилғи эквивалент тушунчаси.

2-мавзу: Ёқилғиларни босқичма – босқич ёқиши усуллари

Гомоген ва гетероген ёниш жараёнлари. Кимёвий боғланишларининг энергетикаси. Гесс қонуни. Реакция тезлиги ва унинг ҳароратга, босимга ва ёниш аралашмаларнинг таркиби боғлиқлиги. Ёнувчи аралашмаларнинг таркиби боғлиқлиги. Қайтарилиш реакцияси ва унинг мувозанат константаси. Занжирли реакциялар түғрисида тушунча. Ёнувчи аралашмаларнинг ўзаро алангаланиши, унинг ҳарорати ва миқдорий чегаралари. Ёнишдан олдин ёнувчи аралашмаларнинг ҳосил бўлиши. Газ оқимларида молекўляр ва турбулент диффузияси.

3-мавзу: Иссиклик электр станцияларидаги (ИЭС) буг қозонларида ёқилгини ёқиши.

Ёндиригичлар ёниш қурилмасининг асосий элементлари. Ёқилғини ёқиши усуллари. Ёқилғиларнинг учувчан моддалари. Ёнувчи аралашмаларнинг алангаланишини иссиқлик назарияси. Қозон қурилмаларининг ёқиши камералари. қиш камераларининг турлари ва чизмалари. Уюрганланган ёндиригичларнинг конструкцияси. Ёндиригичларнинг жойлашиши. Буғли форсункаларда ёқилғи пуркалиши. Механик форсункалар. Ротацион форсункалар. Газсимон ёқилғисини ёниш жараени. Буг қозонларга газсимон ёқилғини узатиш технологик чизмаси.

4-мавзу: ИЭСда органик ёқилғиларни ёқиши жараённада атроф мухит мухофазаси.

Кукунсимон ёқилғиларни ёқиши жараёнларини бошқариш. Қаттиқ ёқилғини ёндиригич ускуналари, уларнинг турлари ва жойланиши. Шлак ҳосил бўлиш жараёни. Суюқ ва қаттиқ шлак маҳсулотларини чиқарувчи ёқиши камералари.

Амалий машғулот мазмуни

1-амалий машғулот: Ёқилғининг қуийи ва юқори ёниш иссиқлиғи орасидаги фарқини аниқлаш.

Ёқилғининг қуийи ёниш иссиқлиги эса ёқилғи намлик миқдорига боғлиқ бўлади, шунинг учун ёқилғининг иссиқлик қийматини амалий баҳолаш.

2-амалий машғулот: Ҳар қандай турдаги ёқишида бериладиган ҳаво миқдорини ҳисоблаш.

Куруқ ҳавонинг назарий ҳажми B^0 ва ортиқча ҳаво коэффициенти $\alpha=1$ бўлганда ва ёқилғи тўла ёнганда ҳосил бўладиган ёниш маҳсулотларининг ҳажми V_{RO_2} , V_{N_2} , V_{H_2O} лар[1,3] даги жадвал маълумотларидан олинади ёки куйидаги формулалар ёрдамида ҳисоблаш.

3-амалий машғулот: ИЭСларидаги қозон қурилмаларида ёқилғини ёқиши ускуналари.

Ўтхона камерасининг иссиқлик ҳисоби. Марказий қозон турбина институти ва Москва энергетика институтилари томонидан ишлаб чиқилган қозонларнинг иссиқлик ҳисобини меъёрий усулларига мос равишда ва ўхшашлик назариясидан фойдаланилган ҳолда ва ўтхона жараёнларида нурланишли иссиқлик алмашиниш қонунларидан фойдаланилган ҳолда амалга ошириш.

4-амалий машғулот: ИЭСда органик ёқилғиларни ёқиши жараёнида атроф мухит муҳофазаси.

Ўтхона камераси ёқилғи ёқишининг самарадор жараёнини ташкил қилиш учун ва ёниш маҳсулотларидан қиздириш юзасига нурланиш орқали иссиқлик узатишни амалга ошириш.

Таълимни ташкил этиш шакллари

Таълимни ташкил этиш шакллари аниқ ўқув материали мазмунни устида ишлаётганда ўқитувчини тингловчилар билан ўзаро ҳаракатини тартиблаштиришни, йўлга қўйиши, тизимга келтиришни назарда тутади.

Модулни ўқитиши жараёнида қуйидаги таълимнинг ташкил этиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъруза;
- амалий машғулот;
- мустақил таълим.

Ўқув ишини ташкил этиш усулига кўра:

- жамоавий;
- гуруҳли (кичик гуруҳларда, жуфтликда);
- якка тартибда.

Жамоавий ишлаш – Бунда ўқитувчи гуруҳларнинг билиш фаолиятига раҳбарлик қилиб, ўқув мақсадига эришиш учун ўзи белгилайдиган дидактик ва тарбиявий вазифаларга эришиш учун хилма-хил методлардан фойдаланади.

Гуруҳларда ишлаш – бу ўқув топширигини ҳамкорликда бажариш учун ташкил этилган, ўқув жараёнида кичик гуруҳларда ишлашда (3 тадан – 7 тагача иштирокчи) фаол роль ўйнайдиган иштирокчиларга қаратилган таълимни ташкил этиш шаклидир. Ўқитиш методига кўра гуруҳни кичик гуруҳларга, жуфтликларга ва гуруҳларора шаклга бўлиш мумкин.

Бир турдаги гуруҳли иш ўқув гуруҳлари учун бир турдаги топшириқ бажаришни назарда тутади.

Табақалашган гуруҳли иш гуруҳларда турли топшириқларни бажаришни назарда тутади.

Якка тартибдаги шаклда - ҳар бир таълим олувчига алоҳида- алоҳида мустақил вазифалар берилади, вазифанинг бажарилиши назорат қилинади.

II.МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Б/БХ/Б ЖАДВАЛИ МЕТОДИ



Б-Б-Б методи

Биламан	Билишни ҳоҳлайман	Билиб олдим
Сиртий иссиқлик алмашиниш курилмаларни кўрсатқичлар буйича синфланиши		
	Ўзбекистонда энергия тежамкорликни амалга ошириш	Ўзбекистонда энергия тежамкорликни

	бўйича қандай ҳукумат қарорлари қабул қилинган?	амалга ошириш бўйича қандай ҳукумат қарорлари қабул қилинган
	Ғилофли ривожланган иссиқлик алмасиниш юзани яратиш усуллари	Ғилофли ривожланган иссиқлик алмасиниш юзани яратиш усуллари
Ҳаво билан совитиш иссиқлик алмасиниш курилмаларни конструкцияла ри, ишлаш принциплари		
Энергия тежамловчи технологияларни ва курилмаларни қўллашнинг ахамияти?		
	Гидравлик қаршиликни пасайтириш учун қандай услугуб қўллаш лозим	Гидравлик қаршиликни пасайтириш учун қандай услугуб қўллаш лозим
Қобик қувурли совутқичларни конструкцияларини ўзига хослиги		
Қобик қувурли ИАҚ температурали деформацияга қарши маълум бир услугуб қўллаш.		

“Елпигич” методи

Бу методи мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммо характеристидаги мавзуларни ўрганишга қаратилган.

Методининг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир йўла ахборот берилади. Айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида нуқталардан муҳокама этилади. Масалан, ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари

белгиланади.

Бу интерфаол методи танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўз ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади.

“Елпифич” методи умумий мавзунинг айрим тармоқларини муҳокама қилувчи кичик гурухларнинг, ҳар бир қатнашувчининг, гурухнинг фаол ишлашига қаратилган.

“Елпифич” методи умумий мавзуни ўрганишнинг турли босқичларда қўлланиши мумкин.

-бошида: ўз билимларини эркин фаолаштириш;

-мавзуни ўрганиш жараёнида: унинг асосларини чукур фаҳмлаш ва англаб этиш;

-якунлаш босқичида: олинган билимларни тартибга солиш.

“Елпифич” методининг афзалиги:

- ✓ кичик гурухларда ишлаш маҳорати ошади;
- ✓ муаммолар, вазиятларни турли нуқтаи назардан муҳокама қилиш маҳорати шаклланади;
- ✓ муросали қарорларни топа олиши;
- ✓ ўзгалар фикрини хурмат қилиш;
- ✓ хушмуомалалик;
- ✓ ишга ижодий ёндашиш;
- ✓ фаоллик;

“Елпифич” методининг камчилиги:

- ✓ таълим олувчиларда юқори мотивация талаб этилади;
- ✓ кўп вақт талаб этилиши;
- ✓ шавқун сирон бўлиши;

✓ баҳолаш қийинчилик түғдириши.

Қобик құвурли иссиқлик алмашынув қурилмаларининг	
Афзалликлари	Камчиликлари
Хулоса:	

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: ИЭСларида ёқилғи тежамкорлигини ошириш имкониятлари.

Режа

1. Ёқилғининг ёниш ҳарорати.
2. Ҳавонинг ҳар хил ортиқча миқдорларида ёниш ҳарорати ўзгариши.

Таянч сўз ва иборалар. Парогенератор, турбина, метан, этан, органик моддалар, сунъий газ, горелка, воздухоподогреватель, шарикли тегирмон, дымосос, вентилятор, электрофильтр, шлак, қўл, ковишколик.

1.1.Ёқилғининг ёниш ҳарорати.


Ёқилғи иссиқлик исрофларисиз ёндирилганда, ёниш маҳсулотлари қайси ҳароратгача қизиса, шу ҳарорат **ёниш ҳарорати** дейилади ва T_e билан белгиланади. Чунки ёқилғи реал шароитларда ёндирилганда иссиқлик исроф бўлганлиги сабабли, ёнишнинг ҳақиқий ҳарорати доимо назарий ҳисобланган ҳароратдан паст бўлади. Ёқилғининг ёнувчи қисми ва ҳавонинг кислороди билан кимёвий реакцияси амалиётда кенг қўлланиладиган усул - ёниш асосини ташкил қиласи. Ёниш жараёнини тавсифли тарафи шундаки, оксидланиш - тикланиш реакцияси натижасида экзотермик иссиқлик эфекти сабабли реакцион тизим ўз-ўзи билан қаттиқ қизиб кетади. Қаттиқ ёқилғини оксидланиши кислород билан сезиларли тезлик билан паст ҳароратда ҳам кечиши мумкин. [3]

Кечаётган оксидланиш иссиқлик жараёнини куйидаги келтирилган расмда кўришимиз мумкин.

Бунда Q_1 иссиқлик ажралиб чиқиши ва иссиқликни тарқалиб кетиши Q_2 нисбати ҳар-хил T да берилган.

Иссиқлик ажралиши кимёвий реакциянинг тезлигига пропорционал, ёки T дан Аррениус қоидасига биноан

$$Q_1 = k_{\text{exp}}(-E/RT)$$



1.1-Расм. Ёқилғи оксидланиш жараёниининг ҳар хил ҳароратда иссиқлик баланси.

Иссиқлик тарқалиши тахминан ҳароратининг функцияси деб қарашимиз лозим:

$$Q_2 = K^* \alpha_{\text{сам}} (T - T_0)$$

Бунда k - пропорционал коэффициенти; E - окисдланишнинг кимёвий реакциянинг фаоллик энергияси; K - ташқи қисмнинг майдони, бу ерда реакцион тизимини атроф мұхит билан иссиқлик алмашинувини ифодалайды, $\alpha_{\text{сам}}$ - ташқи қисмдан атроф мұхитга самарали иссиқликни тарқатиши коэффициенти; T_0 - атроф мұхитни ҳарорати.

Келтирилған расмда икки әгри чизик Q_1 ва Q_2 ларни ҳар-хил шаклда бўлгани учун иккита бир-бировини кесиб ўтувчи M ва N умумий нуқталари бор.

Бу нуқталар бутун ҳарорат оралиғида учта интервалда бўлади. M нуқтанинг чапроғида иссиқлик ажralиб чиқиши иссиқлик тарқалишига қараганда кўпроқ бўлади ($Q_1 > Q_2$), бу эса тизимни ўз ўзидан исиб кетишига олиб келади. M нуқтада динамик иссиқлик мувозанат сақланади ($Q_1 = Q_2$) тизимнинг ҳароратини ўсиши фақат иссиқликни ташқаридан бериш натижасида бўлиши мумкин.

Агарда ташқаридан иситиш натижасида тизимнинг ҳарорати N нуқтадаги ҳароратга қараганда юқорироқ бўлса, унда ўз ўзи билан ҳароратнинг кўтарилишига шароит туғдирилади.

Шундай қилиб оксидланиш (ёниш жараёни) иккита ҳар-хил ҳарорат шароитларида содир бўлиши мумкин: а) паст ҳароратли ва б) юқори ҳароратли ёниш жараёнлари.

1.2 Ҳавонинг ҳар хил ортиқча миқдорларида ёниш ҳарорати ўзгариши.

Ҳавонинг назарий жиҳатдан зарурый миқдорини ҳисоблашда, ҳаво ёқилғи билан идеал аралаштирилади ва кислороднинг ҳар қайси заррачasi ёнувчи элемент билан бирикишга улгуради, деб фараз қилинади. Лекин амалда ҳавонинг ҳисобий миқдори ёқилғининг тўлиқ ёниши учун етарли бўлмайди. Ёниш жараёнида кислороднинг ҳаммасини ёқилғи билан реакцияга киришадиган қилиб ўtkазиб бўлмайди. Унинг бир қисми ёниш реакциясига киришмайди ва тутун-газлар билан бирга эркин ҳолда чиқиб кетади.

Коэффициент α нинг катталиги ёқилғининг турига, жараён содир бўладиган шароитларга, ёқиш усулига, ўтхонанинг конструкциясига ва ҳакозоларга боғлиқ. Ҳисоблашларда α нинг қиймати тегишли тажриба маълумотлари асосида танланади.

Ортиқча ҳаво коэффициенти қанчалик кичик бўлса, ёниш жараёни шунчалик тежамли бўлади. Лекин ортиқча ҳаво коэффициенти жуда ҳам кичик бўлса, ёқилғи чала ёнади ва қозон қурилмасининг ФИКи пасаяди.

Ёқилғи қанчалик майда ва бир жинсли бўлса ва у ҳаво билан қанчалик яхши аралашган бўлса, ортиқча ҳаво шунчалик кам талаб қилинади. Суюқ ёқилғининг барча турлари ўтхонага тўзитилган ва ҳаво билан яхши аралашган ҳолда берилади. Қаттиқ ёқилғи кўпинча куқун (чанг) га айлантирилади ва ўтхонага ҳаво билан яхши аралаштирилиб пуфланади.[4]

Баъзи ёқилғи турлари учун назарий ҳисобланган ёниш ҳароратининг ортиқча ҳаво коэффициенти α га боғлиқ ҳолдаги қийматлари 1.2.1.жадвалда келтирилган.

Жадвал 1.2.1.

	Ёниш ҳарорати , T_e			
Ёқилғи	$\alpha=1$	$\alpha=1, 3$	$\alpha=1, 5$	$\alpha=2$
Антрацит	2270	1845	1665	1300
Күнғир күмир	1870	1590	1425	1150
Торф	1700	1510	1370	1110
Үтин	1855	1575	1435	1165
Мазут	2125	1740	1580	1265
Табиий газ	2000	1749	1478	1167

Назорат саволлар

1. Ёқилғи ёндирилганда, ёниш маҳсулотлари қайси ҳароратгача қизийди?
2. Иссиклик ажралиши кимёвий нимага пропорционал бўлади?
3. Иссиклик таркалиши нимани функцияси деб қарашимиз лозим?
4. Ёниш жараёни қайси шароитларида содир булиши мумкин?

Фойдаланган адабиётлар.

1. Рахимжонов Р.Т., Хошимова М.А., Алимов Х.А., «Ёқилғи ва ениш асослари». -Тошкент. ТошДТУ. 2002

2. Шоисломов А.Ш., Алимбаев А.У., Тошбоев Н.К. «Ёқилғи ва ёниш асослари». – Т.: ТДТУ 2001
3. Мингазов Р.Ф. «Қозон қурилмалари» - Т.: ТошДУ. 2006
7. Алимбаев А.У, Шоисломов А.Ш., Тошбоев Н.К. «Ёқилғи ва ёниш асослари». Укув қўлланма. ТДТУ 2001.

2-мавзу: Ёқилгиларни босқичма – босқич ёқиши усуллари.

Режа

1. Ёқилғини ёқиши усуллари.

2. Ёқилғиларнинг учувчан моддалари.


3. Ёнувчи аралашмаларнинг аланталанишини иссиқлик назарияси.

Таянич суз ва иборалар. Парагенератор, турбина, метан, этан, органик моддалар, суний газ, горелка, шарикли тегирмон, димосос, вентилятор, электрофильтр.

2.1 Ёқилғини ёқиши усуллари.

Хозирги замон ўтхона техникасида ёқилғини ёқишини асосан уч хил усулда –катламли, машъалали ва уюрмали ёқиши усулларидан фойдаланилади.

Катламли ёқиши – бу ёқилғини ўтхона панжарасида қатламлаб ёқиши усулидир (2.1.1-расм).



2.1.1-расм. Ёқилгини ўтхона панжарасида қатламлаб ёкиш.

1-ўтхона; 2-панжара; 3-иссиқ қабул қилувчи юза.

Ёқилгининг ёниши натижасида панжарада бевосита қўл ва шлакдан иборат ғовак ёстиқ ҳосил бўлади. Унинг устида ёнаётган кокс қатлами, яъни учувчан моддалари чиқиб кетган ёқилғи бўлади. Кокс устига янги ёқилғи қатлами берилади. Бу ерда у келтирилган иссиқлик ёки ёнаётган ёқилгининг ва ўтхона ичидаги қизиган қатламнинг иссиқлиги ҳисобига исиди. Сўнгра ёқилғи қурийди, яъни ундаги намлик буғланиб кетади, шундан сўнг сублиматланиш – учувчан моддаларнинг чиқиши, ва кокс ҳосил бўлиши бошланади.

Учувчан моддалар ва кокснинг ёниши натижасида иссиқлик чиқади ва ўтхона ичининг ҳарорати кўтарилади. Ҳаво, панжара тешиги ва ғовак шлакли ёстиқ орқали ўтиб, исиди. Ҳаво кейинги ҳаракати давомида ўз йўлида кокс ва ёқилғи қатламига дуч келади. Улар билан ўзаро таъсир этишиб ёқилғи қатлами устида ёнадиган ўтхона газлари оқимиға айланади ва қатлам усти айланасини ҳосил қиласи. Бу ҳол юқори қатламларнинг тез алангаланишини ва барқарор ёнишини таъминлайди. Ёниш пайтида ҳосил бўлган тутун газлар ўз иссиқлигини қозонни иситиш сиртларига беради ва қувурдан чиқиб кетади.

Ёқилғини қатламлаб ёқиш жараёнининг ўзига хос хусусияти ёқилғи зарраларини қатламда барқарор жойлашиши зарурлигидадир. Бунда ўтхона панжарасида ётган ёқилғи зарралари ва бу зарраларга келаётган ҳаво тезлиги шундай бўлиши керакки, зарралар қатламдан учиб кетмаслиги лозим. Ҳавонинг ҳаракат тезлиги катта бўлганда ёқилғи зарраларини ҳаво қатламидан учирив кетади ва улар ёнмай, тутун-газлар билан бирга чиқиб кетади.[4]

Қатламлаб ёқишида ўтхонада доимо ёнаётган ёқилғининг анчагина заҳираси бўлади, бу эса ўтхонанинг барқарор ишлашига ва қозоннинг юкламаси ўзгарганида ўтхонанинг ишини дастлаб факат ёқилғи қатламига берилаётган ҳавонинг миқдорини ўзгартириш йўли билан ростлашга ёрдам беради.

Машъала қилиб ёқиш усулида ёқилғи ва ёниш учун зарурий ҳаво ўтхонага маҳсус мосламалар ёрдамида юборилади. Ёқишининг машъала усули ёқилғи зарраларини ҳаво оқими ва ёниш маҳсулотлари билан биргаликда тўхтовсиз ҳаракатланиб туриши билан қатламлаб ёқиш усулидан фарқ қиласди. Шунинг учун қаттиқ ёқилғи чанг ҳолатига келтирилиши лозим. Кукун зарраларининг ўлчами микронлар билан ўлчанади. Ёқилғининг бундай ишланиши туфайли ёқилғининг ҳаво кислородига тегиш ва реакцияга киришиш сирти катталашади. Камерали ўтхонада ҳарорат тақсимланиши 2-расмда кўрсатилган.


Суюқ ёқилғида балласт деярли бўлмайди, шунинг учун у фактат машъала қилиб ёқиласди. Ёқиши пайтида ёқилғини бутунлай тўзитиб юбориш керак. Ёқилғи яхши тўзитилмаса ёниш маҳсулотлари ичидаги кўп миқдорда ёнмаган соғ углерод С, углерод-оксид СО ва оғир углеводородлар C_nH_m қолиши мумкин.

Суюқ ва қаттиқ ёқилғига қараганда газ ёқилғини машъала усулида осон ва яхши ёқиш мумкин. Лекин барча ёқилғини ёқишидаги сингари, уни ҳам ҳаво билан яхши аралаштириш лозим.

Ёқилғини уюрмавий усулда ёкиш, ўтхонада ҳосил қилинган газ-ҳаво уюрмаси бўлиши билан тавсифланади. Оқимлар ёқилғининг ҳаво билан яхши аралashiшига имкон беради, бу эса ёқилғини янада тўлиқ ёнишини таъминлайди (расм.2.1.2).

Уюрмавий усулда қаттиқ ёқилғини чанг ҳолида эмас, балки яхши майдаланган бўлаклар ҳолида ёкиш мумкин.

Ёкишнинг бу усулида ўтхонада ёқилғи заҳираси машъала усулидагига қараганда қўп, лекин қатлам усулидагига қараганда кам бўлади. Шунинг учун ёкишнинг уюрмавий усулининг барқарорлиги машъала усулидагига қараганда катта, қатлам усулидагига нисбатан эса кичик бўлади.



2.1.2 -расм. Чангсимон ёқилғининг камерали ёндиришдаги изотермалар:

а-қаттиқ шлакни чиқариб ташлаш; б-суюқ шлакни чиқариб ташлаш;
1-совуқ воронка; 2-ўтхона ости; 3-суюқ шлакни чиқариш мосламаси.

2.2 Ёнишдан олдин ёнувчи аралашмаларнинг ҳосил булиши.

Ёқилғи ёниш жараёнида ундан газ ва буғларнинг ажралиб чиқиши билан кузатилувчи мураккаб ўзгаришлар юз беради. Учувчан моддаларга водород H_2 , ҳар-хил C_mH_n типидаги углеводородлар, углерод оксидлари CO ва CO_2 , сув H_2O , ёғли ва қатронли (смолали) моддаларнинг буғлари киради.

Бу учувчан моддаларнинг чиқиши биринчидан, қўмир моддасининг ички тузилиши ҳақида тасаввур берса, иккинчидан, ёқилғи ёнишида катта роль уйнайди. Шунинг учун ҳам учувчан моддаларнинг чиқиши, ёқилғининг

асосий кўрсаткичларидан бири деб ҳисобланади. Термик парчаланиш ва енгил моддаларнинг ёқилғидан чиқариб ташлагандан кейин қолган кокс қолдиги, асосан углероддан (97%) ташкил топган бўлади. Кокс қолдиги ёпишган, қўйма ҳолатда ёки алоҳида-алоҳида бўлаклардан ташкил топган бўлиши мумкин. [3]

Учувчан моддаларнинг чиқиши ва қаттиқ ёқилғиларнинг қолдиқ (кокс) тавсифи 2.2.1 – жадвалда берилган.

Учувчан моддалар қанчалик кўп чиқса, кўмир шунчалик тез ёнади. Агар антрацитни ёниши уни барабанли тегирмонда майдалашни ва ёндирувчи белбоғли қурилмаларни талаб этса, кўнғир кўмирни шахтали тегирмонларда иирикроқ майдалаб ёқиш мумкин.

жадвал 2.2.1.

Ёқилғи	Учувчан моддалар чиқишининг бошланғич ҳарорати, $^{\circ}\text{C}$	Ёнувчи массадаги учувчан моддалар, %	Кокс(қолдиқ) хоссалари
Ўтин	160	85	Ёпишган
Торф	100-110	75	Кукусимон
Кўнғир кўмир	130-170	40-60	Кукусимон
Тошкўмир: узун алангали буғли, ёғли ёғсиз	170 260 390	40-50 25-35 17	Кукусимон ёки ёпишган Бириккан, қўйма ҳолида Кукусимон
Антрацит	280-400	4-19	Кукусимон
Ёнувчи сланецлар	250	80-90	Кукусимон

Ёпишқоқлик хусусияти ҳам термик ишлов бериш натижасида пайдо бўлади. Эриган, юмшоқ ҳолатдаги кўмир қисми, эримаган кўмир қисмини ўзига биритириб, эвтектик массани ташкил этади. Ҳароратни янада оширилиши натижасида бу масса қота бошлайди ва ёпишган, қуйма ва кукун қолдиқларини ҳосил қиласди. Қолдиқнинг мустақкамлиги эрувчан ва эримайдиган кўмир компонентларининг нисбатига, яъни унинг кимёвий таркибий қисмiga боғлиқ бўлади.

Шундай қилиб, учувчан моддаларнинг чиқиши ва ёпишувчанлиги, ёқилғининг зарур тавсифларидан бири бўлиб, унинг кимёвий таркибий тузилишини билдиради.

2.3 Ёнувчи аралашмаларнинг аллангаланишини иссиқлик назарияси

Ҳаво таркибидаги кислород таъсирида ёқилғининг оксидланиш реакцияси (таъсирлашуви) ҳароратнинг кенг оралиғида яъни паст ҳароратларни хисобга олганда ҳам рўй бериши кўриб чиқилган. Реакцион тизимнинг паст ҳароратли оксидланишида катта (муҳим) ўз – ўзини қизитиш рўй бермайди, чунки ажralиб чиқсан иссиқлик тарқалишига улгурилади. Иссиқлик олиб кетиш $Q_{o.k}$ интенсивлиги қанча кўп иссиқлик ажralишидан $Q_{A.J}$ кичик бўлса шу ҳлда, аллангаланиши, яъни ёнувчи аралашманинг ёниши (кўзатилади) рўй бериши мумкин. Расмда реакцион тизимнинг чегарасида T_o ўзгариши $Q_{o.k}$ ва $Q_{A.J}$ ларнинг муносабати таъсирининг ўзгариши кўрсатилган. Аллангаланиш критик шароитига T_o ҳарорат тўғри келади. Аралашманинг аллангаланиш ҳарорати сифатида қабул клинади. [5]

Аллангувчи аралашманинг тез ўзини қизитиш $Q_{A.J} - Q_{o.k} > 0$ иссиқлик ҳолда ҳарорат ва алманиши ўзаро таъсирлашув шароитига боғлиқ. Ҳароратнинг ошиши кимёвий реакция тезлигини оширади, демак, иссиқлик ажralиш тезлиги ҳам ошади: бунда $Q_{A.J} - Q_{o.k}$ фарқ ошиши натижасида ҳароратнинг кейинги кўпайиши тезлашади. Белгиланган тартибда ишловчи буғ қозонининг ўчогида ёқилғининг аллангаланиши реал шароитлари шу билан ҳарактерланадики, унда ўчоғ газлари муҳитига ёқилғи ҳаво аралашмаси аллангаланиши критик ҳароратидан анча юқори бўлган

хароратда киради у билан ёқилғини тез алангаланиши ва актив ёниши таъминланади.

Назорат саволлари

1. Учувчан моддаларнинг таркиби кандай?
2. Учувчан моддалар ёқилғини ёниш жараенига кандай таъсир килади?
3. Учувчан моддаларнинг чиқиши ёқилғининг нимасига тасаввур беради?
4. Ёпишқоқлик хусусияти кумирда качон пайдо бўлади?
5. Алангаланувчи аралашманинг тез ўзини қизитиш учун нимага боғлиқ?
6. Ҳаво таркибидаги кислород таъсирида ёқилғининг қайси реакцияси

Фойдаланган адабиётлар.

1. Zhongyang Luo Michaliq Agraniotiq, Low-rank Coalq for Power Generation, Fuel and Chemical Production, 2017
2. Tom Robl Anne Oberlink Rod Joneq, Coal Combustion Productq (CCPq), 2015
3. Rafael Kandiyoti Alan Herod Keith Bartle Trevor Morgan, Kolid Fuelq and Heavy Hydrocarbon Liquidq: Thermal Characterization and Analyqik, 2016
4. Рахимжонов Р.Т., Хошимова М.А., Алимов Х.А., «Ёқилғи ва ениш асослари». – Тошкент. ТошДТУ. 2002
5. Шоисломов А.Ш., Алимбаев А.У., Тошбоев Н.К. «Ёқилғи ва ёниш асослари». – Т.: ТДТУ 2001
6. Мингазов Р.Ф. «Қозон қурилмалари» - Т.: , ТошДТУ. 2006
7. Алимбаев А.У, Шоисломов А.Ш., Тошбоев Н.К. «Ёқилғи ва ёниш асослари». Укув қўлланма. ТДТУ 2001.

З-мавзу: ИЭС лардаги буг қозонларида ёқилғини ёқиши.

Режа

1. Қаттиқ ёқилғини тугри окимли ёндиригич ускуналари.
2. Уормаланган ёндиригичларнинг конструкцияси.

3. Суюк ва газсимон ёқилғиларни ёниш жараёнлари.


Таянич суз ва иборалар. Парагенератор, турбина, метан, органик моддалар, суний газ, горелка, воздухоподогреватель, шарикли тегирмон, димосос, вентилятор, электрофильтр.

3.1. Қаттиқ ёқилғини туғри оқимли ёндиригич ускуналари.

Ёндиригичлар ёниш қурилмасининг асосий элементи ҳисобланади, аралашманинг ҳосил бўлиши унинг ўтхонада жойлашувига боғликдир, ўт олиш жадаллигини аэродинамик ёниш камераси аниқлайди, тезлик ва тўлиқ ёниш, иссиқлик қувватини ва ўтхонага ўз самарасини беради.

Чангли ёндиригичлар тўғри оқимли ва уюргаланган бўлади. Чанг ҳолатидаги ёқилғини ва табиий газни ёндиришда чанг-газли аралашма ёндиригичлар қўлланилади. Аралашма ёндиригичлар уч хил ёқилғини ёндиришда ишлатилади (қаттиқ, газ, мазут). Уюргаланган ёндиригичлар орқали чанг ҳаво аралашмаси ва иккиламчи ҳаво уюргавий оқим кўринишида берилади ва ўтхона ҳажмида конус симон ёйилган аланга ҳосил бўлади. Бу хилдаги ёндиригичлар айлана кесимида бажарилади.


Оқимни анча паст турбулизация бўлиши муносабати билан тўғри оқимли ёндиригичлар, кичик кенгайиш бурчакли бирламчи ва иккиламчи оқимларни бўш аралаштирувчи узоқ масофали йўналтирилган оқимни ҳосил қиласди. Шунинг учун ёқилғини муваффақиятли ёқишида, ўзаро ҳаракатланишининг оқиши ҳар хил ёндиригичларнинг ўтхона камерасида эришилади. Улар қўзғалмас ёки ишлаши бурама бўлиб камерада ўрнатилиши мумкин ва ўтхонанинг режимини созлаш ишларини осонлаштиради (а-расм).



Расм 3.1.1. Тўғри оқимли чанг-кўмир ёндиригичлари:

а – чанг чиқишида айланадиган ўрнатма; б – иссиқ ҳавонинг марказий канали билан; 1 – чанг-ҳаво аралашмани келтириш; 2 – иссиқ ҳаво келтириш; 3 – чанг-ҳаво аралашма чиқиши; 4 – иссиқ ҳаво чиқиши; 5 – ўтхонадаги газлар оқимга сўрилиши.

Тўғри бурчакли ёндиригич тури, баландлиги бўйича тепага чўзилган. У ўзининг юкори энжекцияси ёрдамида атроф газ мухитнинг ён томонлама оқиш хусусиятига эга. Шунинг учун бу турдаги ёндиригичлар ташқи аэрочангни узатишда (б-расм) ички чангни узатишда ёндиригичдан олдин аланга олишни ҳосил қиласи. Тўғри оқимли ёндиригичлар нисбий унумдорлиги катта бўлмагани учун, катта қувватли буг қозонларда блоклар сифатида ишлатилади (3.1.1расм).



Расм 3.1.2. Иккита тўғри оқимли ёндиригичдан иборат блок:

1-чанг-ҳаво аралашмаси; 2-иккиламчи ҳаво

Тұғри оқимли ёндиригичларда ёндириш учун асосан юқори реакцион ёқилғилар ишлатилади: қүнғир күмирлар, торф, сланец ва юқори (реакцион) үчүвчан моддали тош күмирлардир. Ёндиригичдан чиқишида чанг-ҳаво аралашмасининг тезлиги қуидагиша: $\omega_1=20\div28$ м/с, иккиламчи ҳавонинг оптималь тезлиги $\omega_2=(1.5\div1.7)\omega_1$.

Үтхона камерасининг деворидаги ёндиригичлар шундай тақсимланады, ядро алангасида ёқилғининг максимал тұлиқ ёнишини таъминлаш учун, үтхонадан берилган қаттық ёки суюқ шлакларни чиқариб ташлаш учун қулай шароитларни таъминлаш ва үтхона камераси деворларида шлакланишга имконият бермаслик керак. Ёндиригичларнинг турларини танлашда ва оптималь жойлашуvinинг айни ишчи тавсифи ҳисобға олинади.

Демак, тұғри оқимли ёндиригичларни уюргаланган ёндиригичлар билан солиширганда шуни күриш мүмкінки, уюргаланган ёндиригичлар үзининг узунлиги бүйича қисқа аланга ва кенг бурчак очилишини ҳосил қиласы. Бирламчи ва иккиламчи ҳаво оқимининг шиддатлы аралашуви уюргаланган ҳаракат энергияси ҳисобига бўлиб ҳосил бўлиб, ёқилғининг аланга ядроисида тұлиқ ёнишини таъминлади (90-95 % гача).

Ёқилғи чангининг керак бўлган ёниш жадаллиги учун ёқилғи аралашмасини тайёрлаш ёндиригич қурилмасида эришилади ва у ёндиригич деб аталади. $70-130^0$ С ҳароратда майдалаш жараёнидан ва қуритишдан сўнг олинган ёқилғи чанг бирламчи ҳаво оқими орқали ёқилғи камерасига пушланади;


$250-420$ 0 С ҳароратда бу ерга ёндиригич орқали иккиламчи ҳаво келиб тушади. Демак, ёндиригичлар үтхонага 2 хил оқимни узатади – чангҳаволи аралашма ва иккиламчи ҳаво. Ёқилғи аралашмасининг ҳосил бўлиши, үтхона камерасида тутатилади.

Тұғри оқимли ёндиригичлар кўпинча үтхона параллел оқим аэроchanгини ва иккиламчи ҳавони узатади. Биринчи навбатда аралашган оқимнинг үтхона деворида ёндиригичларнинг ўзаро жойлашиши ва зарур бўлган үтхона ҳажмида аэродинамик оқимни ҳосил қиласы. Бу ёндиригичлар кесимда икки хил бўлиши мумкин: айлана ва тұғрибурчакли.

3.2. Уюрганланган ёндиригичларнинг конструкцияси.

Уюрганланган ёндиригичлар қуидаги турларга бўлинади:

- иккичиганоқли уюрганий аэрочанглар ва чиганоқли аппаратда иккиламчи ҳаво айлантирилади (3.2.1 а-расм);
- тўғри оқимли – чиганоқли, тўғри оқимли каналга аэрочанг тушиб, сочгич томонга узатилади, чиганоқли аппаратда эса иккиламчи ҳаво айланади (б-расм);
- чиганоқ-куракли-аэрочанг оқимини чиганоқ айлантиради, иккиламчи ҳавони эса аксиал айлантиргич ёрдамида (с-расм).
- икки куракли – иккиламчи ҳаво ва аэрочанг аксиал ва тангенциал кураклар ёрдамида айлантиради (3.2.1-расм).




3.2.1-расм. Уюргали ёндиригичлар турлари: а – икки чиганоқли уюргали ёндиригич; б – тўғри оқимли чиганоқли ёндиригич; с – чиганоқли куракли ёндиригич; д – икки куракли ёндиригич; 1 – чанг-ҳаво аралашма чиганофи; 1' – чанг-ҳаво аралашма кириш патрубкаси; 2 – иккиламчи ҳаво чиганофи; 2' – иккиламчи ҳавонинг кириш қутиси; 3 – чанг-ҳаво аралашмани ўтхонага узатиш канали; 4 – шу ҳам иккиламчи ҳаво учун; 5 – асосий мазут форсункаси; 5' – мазут форсункаси; 6 – чанг-ҳаво аралашмани чиқишида кесиб тарқатувчи; 7 – иккиламчи ҳаво куракли айлантирувчи; 8 – марказий

ҳаво учламчи узатиш канали; 9 – кесиб тарқатувчи ҳолини ростлаш; 10 – ҳаво оқимини айлантирувчи; 11 – ўтхона қопламаси; П – ўтхонадаги газларни аланга томирига сўриш.[7]

Уюрмаланган ёндиригичлар ишлаб чиқариш самарадорлиги 1 дан 3,8 кг гача шартли ёқилғилари, 25 дан 1000 МВт гача бўлган иссиқлик қувватини аниқлайди. Кўп тарқалган бу икки чиганоқли ва чиганоқли-куракчали ёндиригичлар, катта иссиқлик қуввати учун ишлатилади (75-1000 МВт).

Уюрмаланган ёндиригичлар ўзининг кучли энжекцияси иссиқ ўтхона газининг чанг ҳаво аралашмасига келиб тушиши билан ажралиб туради, бунинг натижасида тез қизиб, алангаланиш ҳароратигача олиб келади (3.2.2-расм)




3.2.2. расм. Уюрмали ёндиригичдан чиқишида аралашма ҳосил бўлиши:
I-чанг-ҳаво аралашмаси; II-иккиламчи ҳаво

Чанг-ҳаволи аралашма ва иккиламчи ҳаво ёндиригичдан чиқишида иккита тарқалган кесилган конусни ҳосил қилиб, икки қисмида қўшимча равища сўрилиш зonasида юқори ҳароратли газнинг ёниш ядросида ҳосил бўлади. Бу жараёнга ўтхонадаги қанча кўп иссиқ газлар киритилса, шунча газ ўт олиб, ёқилғи ёнади.

Ёндиригичлар "якка тартибли" бўлиб, ҳар бири алоҳида ўзининг ёқилғи ёқишини таъминлайди. Расмда уюрмаланган кўмирчангли ёндиригичларнинг жойлашув чизмаси кўрсатилган

Чизмада уюрмали ёндиригичлар фронталли ва икки фронталли (расмда а, б) баландлиги бўйича бир ёки икки ярусли бўлиб бажарилиши мумкин. Бир фронтал бўйлаб жойлашганда экраннинг орқа девори кучли иссиқлик олувчанликни кучли қабул қиласи (10-20% ўртачадан юқори) ва девордаги шлакланишни йўқотиш учун ўтхона таранлиги $b = (6 \div 7) \cdot D_a$ бўлиши лозим, бу ерда: D_a – ёндиригичнинг амбразура диаметри.

Катта қувватли буғ қозонларида бир фронталли деворда керакли ёндиригичларни жойлаштириш мумкин бўлмаса ёндиригичларнинг қарама-карши бўлиб икки фронталли жойлашуви муҳимдир. [4]



3.2.3-расм. Уюрмали чанг-кўмир ёндиригичларнинг ўтхона деворларида жойлашиши:

- а – фронталли икки ярусли;
- б – фронталли икки томонли бир ярусли;
- с – ён томонли бир ярусли.

3.3. Суюқ ва газсимон ёқилғиларни ёниш жараёнлари.

Мазутнинг юпқа пуркалиши учун марказдан қочирма форсункалар қўлланилиб, бу форсункалар ҳавони етказиб берадиган ва уни уюрмаловчи асбоблар – регистрлар билан биргаликда мазут ёндиригичларини ташкил қиласи. Пуркаш усулидан қатъий назар, форсункалар қуйидагича бўлади: механик, буғ механик, буғли ва ротацион.

Механик пуркашда мазут оқишининг кинетик энергияси қўлланилиб, босим орқали ёқилғи насоси ҳосил қилинади. Форсунка соплосидан босим таъсирида катта тезликда чиққанпайтида, мазут юпқа пуркаланади.

Буғли форсункаларда ёқилғи пуркалиши форсункадан оқиб чиқаётган бұт оқимининг кинетик энергиясидан фойдаланиш ҳисобига олиб борилади, мазут эса форсункага кичик босимда ҳам етказиб берилиши мүмкін.


Охирги вақтда механик ва буғ форсункалардан ташқари аралаш бұт механик форсункалар кенг қўлланилиб. уларнинг иши пуркашнинг бу иккала усулдаги биргаликда ишланишидан иборатdir.

Ротацион форсункалар. Марказдан қочирма кучлар ҳисобига мазутни юпқа пуркаш учун ва уни ўтхонага конуссимон тарқатиб бериш учун қўлланилади.

Механик форсункалар. Булар энг кўп тарқалган форсункалар туридир. Бу ҳолатда мазут пуркаши ортиқча юқори босим бериш ҳисобига бўлади (2.5-4.5 МПа). Мазут бир неча каналли форсункалар орқали гирдобли камерага узатилади ва чиқишида айлантирилган мазут диаметри d_0 сопло орқали ўтхонага пуркалади.

Шунда жадаллик билан айланниш гирдоби ҳосил қилиниб, натижада катта тезликда (80 м/с-гача) соплодан суюқ ёқилғи конуссимон бўлиб оқиб чиқади.

Буғ қозонида юклама кичик бўлганда механик форсунка буғ - механик режимида ишлатилади. Бунинг натижасида ёқилғи пуркаш сифатини пасайтирмасдан ростлаш диапазонини 100-20% оралиқда бўлиши амалга оширилади. Буғ-механик форсункалар иккита канални ўз ичига олади, мазут ва буғ икки канал орқали форсунка бош қисмига тушади (0,4-0,9 МПа босимида). Бу ерда марказдан қочирма уюргаланган камера ўрнига конус-соғиқ аксиал аппарат ишлатилади. Буғ оқими катта тезликда пуркалган мазут оқими ўзининг энергияси ҳисобига мазут томчиларини парчалашда қўлланилади. Буғ сарфлари мазут сарфлари пуркалишининг 10% дан ошмаслиги керак. Бундан ташқари унча кўп миқдорда бўлмаган буғлар, аланталаниш ядро сига келиб тушиб, фаол марказ реакцияси ҳисобига ёниш реакциясини фаоллаштирилади[5].




3.3 1.- расм. Суюқликнинг соплодан чиқишидаги ҳаракати ва пуркалиши:

1-сопло; 2-кириш канали

Буғ-механик форсункалар унумдорлиги мазут бўйича 5-7 м/соатни ташкил этади. Улар катта қувватли буғ қозонларида чуқур диапазонда ростлаш учун ишлатилади.

Буғ форсункаларда юқори самарадорлиги катта тезликка эга бўлган (1000м/с гача) буғ оқими мазутни ўзи билан бирга оқизиб кетиши ҳисобига эришиллади. Буғли форсунканинг афзаллиги бу форсункаларнинг оддийлиги ҳамда мазутни қизитиш ҳарорати (800С – гача) унча юқори бўлмаган ҳароратга юқори сифатда пуркалишидан иборатdir. Лекин, буғ форсункалар кам ишлатилиб, улар асосан ёқилғидан олдин қаттиқ ёқилғи ёқадиган электр станцияларда қўлланилади. Узок муддат ишлагандан катта буғ сарфлари бўлгани учун улар тежамли эмас (мазут сарфидан 40-60%).



3.3.2. расм. Мазут буғ-механикли форсунка: а – форсунка; б – тақанинг бўйлама кесими; 1 – мазут узатилиши; 2 – буғни ҳалқали каналда узатиш; 3 – тақанинг корпуси; 4 – аксиал айлантиргич; 5 – кесиб тарқатувчи.

Ротацион форсункалар. КВГМ туркумли сув иситгич қозонларида мазутни ёкиш учун ротацион форсункалар ишлатилади. Форсункалар ўртача кувватли электродвигатель билан таъминланган бўлиб, пуркалиш конусини жуда катта частота билан айлантириб беради. Мазут ортиқча пуркаш учига босим билан узатилади ва тез айланувчи конус сиртини ички томонига киритилади. Бу ердан марказдан қочирма куч ҳисобига мазут конус сирти бўйлаб юпқа қатлам ва майда заррачалар кўринишида ўтхонага узатилади. Аланга ядроидан тарқалган иссиқлик ҳисобига конус сирти бўйлаб ҳаракатланувчи мазут қатлами қисқа вақт ичидага интенсив қиздириши мумкин.

Газсимон ёқилғисини ёниш жараёни.

Буғ қозонда газ ёқилғисини кинетик ёниш нисбатан кам қўлланилади, чунки ёнувчи газни унинг тўлиқ ёниши учун керак бўлган ҳаво аралашмаси билан у ўчоғда кам нурланиш қобилиятига эга бўлган ва паст ёруғлик тарқатувчи факел ҳосил қиласи. Ўчоғда нурли иссиқлик алмашинувини жадаллаштириш учун факелни нур тарқатиш қобилиятини ошириш ўчоғга ёқилғи ва ҳавони алоҳида бериш орқали эришилади. Бу ҳолда ўчоғга киравчи ёнувчи газ дастлаб оксидловчи кам бўлган шароитда ўчоғ газлари ёрдамида иситилади.

Газ ёқилғиси таркибини иссиқга чидамли ва иссиқга чидамли бўлмаган компонентларга бўлинади. Иссиқлика чидамли бўлмаганларга углеводродлар киради, хусусан метан кислородсиз муҳитда 400 -600 °С гача қизитилганда улар парчалана бошлайди. Парчаланишнинг сўнгги маҳсулотларидан бири углероддир: $\text{CH}_4 \rightarrow \text{C} + \text{H}_2$. Бу майда заррача қурим шаклида ажралади: Қурим ҳаво оқими билан аралашиб, унда ёниб кетади, бундай жараён кучли иссиқлик ва ёруғлик тарқалиши билан кечади. (кузатилади)

Газ ёқилғиси ёниш жараёнининг интенсивлиги алоҳида берилувчи ўчоғга ҳаводан ўчоғ ҳажмида (ичида) ҳаво ва ёқилғи оқимларининг араласи интенсивлиги билан аниқланади. Аралашманинг муҳим шарти бу моддаларнинг диффузион ўтишига, Шу сабабли газни бундай ёниш усули диффузион деб аталади.[7]

Ёқилғини тўлиқ ёнишини диффузион ёндиришида эришиш осон эмас чунки ўчоғда ҳаво билан ёнувчи газни тўлиқ ва тез араласишини таъминлаш қийин. Бу масала шу билан мураккаблашадики, араласиши керак бўлган ёқилғи ва ҳаво ҳажимлари бир-биридан 20 карра фарқ қиласди.


Аралашманинг қониқарли эффектига эришиш учун қўпгина диффузион ва кинетик орасидаги оралиқ ёниш усулига мурожат қилинади: ёнувчи газни

ўчоғга беришдан олдин у тўлиқ ёниши учун керак бўлган ҳаво билангина аралаштирилади (“бирламчи” ҳаво билан) қолган қисмини (“иккиламчи” ҳаво) алоҳида паралел оқимда юборилади. Ёқилғи аралашмаси бирламчи ҳаво билан ёндиргични марказий канали орқали ўчоғига юборилади, иккиламчи ҳаво марказий канал атрофида жойлашган айланма канал орқали берилади. Марказий каналдан чиқишида қисқа кинетик ёниш (зонаси) орқали ҳосил бўлади, унда бирламчи ҳаво ёнишида бутунлай сарфланади. Кейинги узун оралиқда ёқилғи ёниш маҳсулотлари мавжуд, оралиқда ҳосил бўладиган ва ёқилғининг оксидловчисиз юқори ҳароратда қизиган ёнмаган қисми оралиқда ёнмаган ёқилғи ҳаво билан араласи ялпи – бу диффузион ёниш оралиғи, юқори нурланиш хусусиятига эга.

Буг қозонларга газсимон ёқилғини узатиш технологик чизмаси.

Электр станцияга газ 0,7-1,3 МПа босимли газ тақсимлаш станцияси ёки магистрал газ қувурлари орқали келади. Электр станциялар газ сақловчи омборга эга эмас. Ёндиргичларда ёнадиган газни керакли 0,13-0,2 МПа босимгача тушириш учун газ тақсимлаш маркази (ГТМ) да дросселланиш ҳосил қилинади. Портлаш хавфи бўлганлиги ва дросселлаш вақтида қаттиқ шовқин чиққанлиги учун бу ГТМ лар иссиқлик электр станциялар четида

алохиди жойлашади. Газ ёқилғисини узатишининг технологик чизмаси 17.2 – расмда кўрсатилган.



3.3.3 -расм. Табиий газда ишловчи электр станцияни газ билан таъминлаш чизмаси: 1-газ магистрали; 2-электр юритмали газли сурма қопқоқ; 3-газ тиқинли сурма қопқоқ; 4-фильтр; 5-босим ростлагичи; 6-сақлагич клапани; 7-байпасли линия; 8-сарф ўлчагич; 9-газ сарфи ростлагичи; 10-тез ҳаракатланувчи клапан; 11-бошқариладиган газли сурма қопқоқ; 12-пробкали кран; 13-газли шам(свеча); 14-газли ёндиригич; 15-газ қувурини босимли ҳаво билан пуркаш қувури; 16-ёндиригичнинг запальниги газ узатиш.

Ҳар бир ГТМ да бир нечта (кўпинча учта) босим ростлагичлари ўрнатилган газ қувурлари мавжуд, аммо буларнинг биттаси доимО захирада туради. Бундан ташқари ростлагичлардан алохиди байпас тизими ҳам бор. Газни ҳар хил чиқиндилардан тозалаш мақсадида ростлагич клапанлар олдида фильтрлар (тозалагичлар) бор.[5]

Ростлагич клапанлар “ўзидан кейинги” керакли босимни ушлаб туришга хизмат қиласи. Фавқулотда (авария) ҳолатларда газ босими керагидан ортиқча кўтарилиб кетганда, сақлогич клапанлар ишлаб, газни ҳавога чиқариб юборади ва газ қувуридаги керакли босимни сақлаб қолади.

Қозонга келган газ қувурининг асосий қурилмалари газ сарфининг автоматик ростлагиchi ва тез ишлайдиган кесувчи клапандир.

Газ сарфининг автоматик ростлагиchi буғ қозондаги доимий иссиқлик кувватини таъминлаб туради. Газ келишида портлаш хавфи туғилганды импульсли ростлагич қозонга газ келишини авария ҳолатда (ўтхонада машъал ўчиб қолса, ёндиригич олдида ҳаво босимининг камайиши, тутун сўргич ва ҳаво узатувчи вентиляторлар тўхтаб қолиши ва ҳакозолар) тўхтатади. Қувурларни таъмирлашдан олдин ишламай турган пайтида пайдо бўлиши мумкин бўлган портловчи газ ва аралашмаларни йўқ қилиш учун қувурлар ҳаво ёрдамида тозаланади. Қувурларни тозалаган газни хавфсиз бўлган жойларга чиқарилади. Таъмирга тўхтатилган ёки заҳирага қўйилган қозонларни ишга туширишдан олдин газ қувуридаги газ-ҳаво аралашмасини катта босимли ҳаво ёрдамида сиқиб чиқарилади. Газ қувурининг тозалиги олинган намунадан, газда кислороднинг 1% дан ортиқ эмаслиги билан текширилади. Газ қувурлари секин-аста бир томонга оғиб борадиган қилиб ишланади, натижада конденсат (сув буғларининг йиғиндиси) улоқтирилади.

